



Some issues of qualification of crimes committed using the Internet network

Sardor TURAEV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received September 2023

Received in revised form

15 September 2023

Accepted 25 October 2023

Available online

15 December 2023

Keywords:

information technologies,
digital economy,
computer crimes,
virtual world,
internet,
information warfare,
cybercrime,
cybersecurity,
viruses,
malware.

ABSTRACT

The article highlights issues related to the concept of crimes committed by the author using the Internet, and their characteristics.

It also analyzes the criminalization of socially dangerous acts related to the illegal use of information technologies, the need for deep study and effective use of foreign experience in combating these crimes and their prevention, implementation of international law, further improvement of national legislation.

In addition, the author lists the features of the development of information and communication means of this type of crime, such as the creation of an animated version of real life – the virtual world, the relative ease of committing crimes in the virtual world. The author tried to distinguish this type of crime from other crimes, using his views and theoretical sources.

In turn, the author points out that the number of crimes committed using the Internet is growing rapidly both in quantity and quality, and, accordingly, the need for constant improvement of the legal framework to combat these crimes, and the author also discussed the views of various researchers on this area.

2181-1415/© 2023 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol4-iss9/S-pp144-154>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

¹ Doctoral Student, Tashkent State University of Law. E-mail: sardor_96s@bk.ru

Интернет тармоғидан фойдаланиб, содир этиладиган жиноятларни квалификация қилишнинг айрим масалалари

Калит сўзлар:

ахборот технологиялари, рақамли иқтисодиёт, компьютер жиноятлари, виртуал олам, Интернет тармоғи, ахборот уруши, кибержиноятчилик, киберхавфсизлик, вирус, зарарли дастурлар.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада муаллиф томонидан интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар тушунчаси ва уларнинг хусусиятларига оид масалалар ёритилган.

Шунингдек, ахборот технологияларидан ғайриқонуний фойдаланиш билан боғлиқ ижтимоий хавфли қилмишларнинг криминализация қилиниши, ушбу жиноятларга қарши курашишда ва уларнинг олдини олишда хорижий мамлакатлар тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва улардан унумли фойдаланиш, халқаро ҳуқуқ нормаларини имплементация қилиш, миллий қонунчилик тизимини янада такомиллаштиришнинг зарурлиги таҳлил қилинган.

Бундан ташқари, муаллиф бу турдаги жиноятларнинг ахборот-коммуникация воситалари ривожини реал ҳаётнинг анимацион варианты – виртуал оламни вужудга келтирганлиги, виртуал оламда жиноят содир этиш нисбатан осонлиги каби ўзига хос жиҳатларни санаб ўтган. Ушбу турдаги жиноятларнинг бошқа жиноятлардан фарқларини олимлар қарашлари ва назарий манбалар ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилган.

Ўз навбатида, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан шиддат билан ўсаётганлигини ҳамда шунга монанд равишда ушбу жиноятларга қарши курашда қонунчилик базасини муқим такомиллаштириб бориш заруратини кўрсатишини ҳамда Интернет орқали содир этиладиган жиноятларни жиноятчиликнинг бир кўриниши сифатида тадқиқ этиш борасида турли тадқиқотчиларнинг мулоҳазаларини муҳокама қилган.

Некоторые вопросы квалификации преступлений, совершенных с использованием сети Интернет

Ключевые слова:

информационные технологии, цифровая экономика, компьютерные преступления, виртуальный мир, Интернет, информационная война, киберпреступность, кибербезопасность, вирусы, вредоносное ПО.

АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются вопросы, связанные с преступлениями, осуществляемыми через сеть Интернет, и их особенностями. Освещается тема криминализации общественно опасных действий, связанных с неправомерным использованием информационных технологий, подчеркивается необходимость глубокого анализа и эффективного применения международного опыта в борьбе и предупреждении таких преступлений, а также интеграция международного права и совершенствование национального законодательства.

Автор статьи выделяет характерные особенности информационно-коммуникационных средств, которые способствуют развитию данного вида преступлений, включая создание виртуальных миров, которые могут служить анимированным отражением реальности, и относительную простоту совершения преступлений в такой среде. В статье предпринимается попытка выделить указанный вид преступлений среди других, опираясь на авторские взгляды и теоретические исследования.

Кроме того, отмечается, что количество преступлений, совершаемых через Интернет, увеличивается как количественно, так и качественно, что требует неуклонного обновления правовой базы для их пресечения. Автор также затрагивает различные точки зрения исследователей в этой области.

2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам янги турдаги жиноятларга қарши курашиш жараёнларида фуқароларнинг кадр-қиммати ва эркинлигини ҳимоя қилишнинг самарадорлигини янада ошириш [1] устувор вазифа сифатида белгиланди.

Қайд этиш керакки, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар глобаллашув шароитида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиноят қонуни воситасида муҳофаза қилиш долзарблигини кўрсатади.

Жиноятни квалификация (лотинча “qualis” – сифат) қилиш деганда, жиноят қонуни қоидаларини амалиётга татбиқ этиш тушунилиб, у ўзида жиноят қонунини қўллаш босқичларидан бирини ифодалайди ҳамда айбланувчига нисбатан жазо ёки бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораси қўллашни назарда тутаяди. Жиноят квалификацияси – бу уни жиноят қонуни нуқтаи назаридан баҳолаш, жиноят қонуни моддаларини аниқ ҳаётий ҳодиса – жиноятга татбиқ этишдир [2].

Жиноят квалификацияси аксарият ҳуқуқшунослар томонидан “содир этилган қилмиш белгилари ва жиноят-ҳуқуқий нормада кўзда тутилган жиноят таркиби белгиларининг аниқ мутаносиблигини аниқлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш” [3], деб таърифланади.

Ҳозирги вақтга келиб Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг таркиби сезиларли даражада кенгайиб эндиликда улар воситасида мулкка қарши жиноятлар ҳам содир этилмоқда. Қайд этиш керакки, Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлардан ўртача атиги бир фоизи очилиши ҳам сўзимизни тасдиқлайди. Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятларнинг ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан шиддат билан ўсаётганлиги ҳамда шунга монанд равишда ушбу жиноятлар учун адолатли жазо тайинлашда қилмишни тўғри квалификация қилиш заруратининг мавжудлигини кўрсатади.

Интернет тармоғи жиноятчилигини жиноятчиликнинг бир кўриниши сифатида тадқиқ этиш борасида тадқиқотчилар турли мулоҳазалар билдирадilar. Ю.М. Батурин “Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар юридик жиҳатдан жиноятчиликнинг алоҳида гуруҳи эмаслигини, балки анъанавий жиноятлар Интернет тармоғи ҳисобига модификацияланганлиги боис жиноятчиликнинг Интернет тармоғига оид жиҳатлари хусусида сўзлаш маъқул” [4], деб таъкидлайди.

А.Н. Караханьян эса Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар деганда, содир этиш объекти ёхуд воситаси Интернет тармоғи бўлган қонунга хилоф бўлган хатти-ҳаракатларни тушунади [5]. Дарҳақиқат, Интернет тармоғида содир этиладиган жиноятчиликлар бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу уларни жиноятчиликнинг алоҳида гуруҳига умумлаштириш имконини беради: 1) тажовуз объектининг хилма-хиллиги; 2) компьютер технологиялари ва маълумотларининг жиноят объекти ва айна пайтда жиноят содир этиш усули сифатида намоён бўлиши; 3) жинойи тажовуз предмети ва усулларининг турлитуманлиги; 4) Интернет тармоғига уланган компьютернинг жиноят предмети ёки жиноятни содир этиш воситаси сифатида намоён бўлиши [6]. В.А. Милашев ҳам юқоридаги фикрни тўлдирган ҳолда, ҳуқуққа хилоф ҳаракатни Интернетда туриб содир эта олиш имконияти, жиноят содир этишнинг тезкорлиги ва бунда ўз шахсининг яширинлигини таъминлай олиши ушбу жиноятнинг сўнгги йилларда фаоллашишига имкон яратмоқда [7], деб қайд этади. Шу маънода, Интернет тармоғи жиноятчилигини алоҳида гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган жиноятлар орасида ўзгалар мулкни Интернет тармоғидан фойдаланиб талон-торож қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу жиноятларнинг компьютер жиноятчилиги тизимида улуши улкан бўлиб, уларни тадқиқ этиш компьютер жиноятчилиги таснифидан бошлаш маъқул бўлиб, бу ушбу жиноятларнинг компьютер жиноятчилиги тизимидаги ўрнини аниқ-равшан англаш учун муҳимдир. А.А. Ортиқов, А.Т. Исаходжаев ва А.В. Шестаковлар ушбу жиноятларнинг қуйидагича таснифланишини қайд этадилар: 1) жисмоний суиистеъмолликлар (анжомларни бузиш, йўқотиш, дастур ёки ахборотни йўқ қилиш ва ш.к.); 2) операцион суиистеъмоллик (фирибгарлик, санкциясиз компьютер маълумотларидан фойдаланиш); 3) дастурлар бўйича суиистеъмоллик; 4) электрон суиистеъмоллик [8].

Шу нуқтаи назардан ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлган қилмишларни квалификация қилишда бугунги кунда ушбу қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган амалдаги ЖК нормаларини қўллаш бироз мураккаброқ бўлмоқда. Бу биринчидан, ушбу қилмишлар учун жавобгарлик назарда тутилган ЖК моддаларининг тарқоқ ҳолда, яъни умумий талон-торож учун жавобгарлик белгиланган моддалар таркибида (алоҳида бандлар сифатида) берилганлиги; иккинчидан, жиноят қонунига киритилган янги ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар бобида ҳам ушбу масаланинг ечилмаганлиги; учинчидан, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноят таркибининг ўзига хослиги (унинг умумий талон-торождан ҳам, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлардан ҳам фарқланиши); тўртинчидан, бугунги кунда суд-тергов амалиётида ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳолатларининг кўпайиш тенденциясининг кузатилаётганлиги; бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш, фирибгарлик ва ўғрилик йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари бўйича алоҳида қарори қабул қилинмаганлиги; олтинчидан, амалдаги ЖКда ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишни етказилган мулкий зарар миқдоридан қатъий назар, жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида назарда тутилганлиги билан изоҳланади.

Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, бугунги кунга келиб ҳеч қайси соҳани, жумладан, давлат бошқаруvidан то кундалик ҳаётнинг барча жабҳаларини компьютерлар иштирокисиз ҳаракатга келтириш мушкул. Шундай экан, 1994 йил ЖК қабул қилинган вақтдаги компьютер технологияларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва роли билан бугунги кун жамиятидаги уларнинг тутган ўрни ва роли ўртасида жуда катта фарқ мавжуд. Шу маънода, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилганлик учун (етказилган зарар миқдори эътиборга олинмасдан) ушбу қилмишларни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида қабул қилиш ва жазо тайинлаш жиноят қонуни сўзсиз амал қиладиган қонунийлик, инсонпарварлик ва одиллик принципларига зиддир.

Ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш жиноятларини квалификация қилишда жиноят таркиби билан боғлиқ муаммоли жиҳатлар алоҳида ўрганишни талаб қилганлиги боис, мазкур жиноятларни квалификация қилишнинг мунозарали жиҳатларини айнан жиноят таркиби таҳлили доирасида ўрганиб чиқиш мақсадга мувофиқ. Таъкидлаш лозимки, ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишда айбдор бир вақтнинг ўзида қилмишнинг асосий бевосита объекти сифатида ўзига хос белгиларга эга бўлган ўзгалар мулки ва мулк ҳуқуқига ҳамда қўшимча бевосита объект сифатида қабул қилинадиган ахборот тизими хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларга зарар етказди. Бу эса албатта, ўз навбатида ЖК Махсус қисм нормалари ўртасида рақобатни юзага келтиради. Айни дамда ушбу ҳолатда қилмиш икки объектга тажовуз қилганлиги муносабати билан жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг ўзгалар мулкани талон-торож қилиш билан боғлиқ моддаси ҳамда тегишлича ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилган ЖК Махсус қисм моддалари билан жавобгарликка тортиш ва жазо тайинлаш заруриятини юзага келтиради. Бироқ, табиийки, бунда қилмиш ягона жиний хатти-ҳаракатдан иборат бўлиб, уни икки ёки ундан ортиқ моддалар юзасидан жиноятлар мажмуи деб квалификация қилиш жиноят ҳуқуқида ўрнатилган қоида ва талабларга зид. Чунончи, босқинчилик инсон ҳаёти ёки соғлиғига қарши моддалар билан қўшимча квалификация қилишни талаб этмаганидек, назаримизда ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш ҳам ахборот хавфсизлиги билан боғлиқ моддалар билан қўшимча тарзда квалификация қилинмаслиги зарур. Шунингдек ушбу ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорида кўрсатилган қоидалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Зеро, ушбу қарорда қайд этилганидек, жиноятлар мажмуида содир этилган барча жиноятлар белгилари Жиноят кодексининг оғирроқ жазони назарда тутувчи битта моддаси (модданинг битта қисми) диспозицияси билан қамраб олинган ҳолларда ЖК битта моддаси (модданинг битта қисми) билан квалификация қилиниши керак. Бир нечта жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодексининг тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши керак. Бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси

билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди [9]. Мана шу қоида талабларидан келиб чиққан ҳолда айбдор ўзганинг мулкни компьютер воситасидан фойдаланиб ноқонуний эгаллаши талон-торожни содир этиш усули саналади ва унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилишни талаб этмайди.

Жиноятнинг объектив томони таҳлили асосида ушбу қилмишни квалификация қилишга оид айрим мунозарали жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз жоиз. Зотан, содир этилган қилмишни ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш деб баҳолаш учун, аввало талон-торожнинг бевосита компьютер воситаларидан фойдаланиб содир этилганлигини аниқлаш зарур. Яъни, айбдор ўзгалар мулкни ўзлаштириш, растрата қилиш, алдаш ёхуд ишончни суиистеъмол қилиш, яширин ёки очикдан-очик талон-торож қилиши билан боғлиқ бўлган ҳаракатларини бевосита компьютер воситалари орқали амалга ошириши назарда тутилади. Айбдор мулкни эгаллаш билан боғлиқ ҳаракатларни компьютер воситалари орқали амалга оширмаса, унинг ҳаракатлари компьютер талон-торожи деб квалификация қилинмайди.

Агар айбдор мансаб ёки хизмат вазибаларига кўра, пул муомаласининг пластик карточкалар орқали турли ҳаракатларни (пластик карточкаларни муомалага чиқариш, мижозларга очиш, ҳаракатини юритиш ва ёпиш, аналитик ҳисоботни юритиб бориш ва ҳ.к.) амалга ошириш ваколатига эга бўла туриб, ушбу ваколатларидан фойдаланган ҳолда ўзганинг пластик карточкасидаги нақд бўлмаган пул маблағларини тасарруф этиши компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзгалар мулкни талон-торож қилиш деб баҳоланади.

Ушбу ҳолатга мисол сифатида қуйидаги жиноят ишини келтиришимиз мумкин. Тошкент вилояти АТИБ “Ипотекабанк” Ангрэн филиали, пул муомаласи бўлимининг пластик карточкалар бўйича 1-тоифали мутахассиси бўлган С. ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда жуда кўп миқдордаги (75 млн. сўм) пулни компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилган. Иш ҳолатларига кўра С. ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда фуқаро Ш.га тегишли бўлган уч дона пластик карточкалардаги пул фоизларини ҳисоблаб бериш баҳонасида олиб, ушбу пластик карточкадаги пул маблағларини ўзининг эҳтиёжлари йўлида нақдлаштириб, сўнгра сарфлаб юборган. Ушбу иш бўйича суд айблов хулосасидаги квалификацияга қўшилган ҳолда қилмишни ЖК 167-м. 3-қ. “а ва г” бандлари билан тўғри квалификация қилган [10].

Одатда айбдор компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ва растратани амалга оширишда компьютер тизимида ахборот кўринишида сақланаётган нақд бўлмаган пул маблағини ўзининг ёки бошқа бир шахснинг манфаатларига қаратиш учун компьютер ахборотини модификациялаштиради. Амалдаги ЖКга кўра, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштирганлик ёки растрата қилганлик учун Махсус қисм 167 моддаси 3 қисм “г” банди бўйича жиноий жавобгарлик келиб чиқади. Айбдорнинг ҳаракатларини ушбу модданинг қуйидаги банди билан квалификация қилиш учун қуйидаги белгиларнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади: биринчидан, мулк айбдорнинг қонуний ихтиёрида оператив ёки хўжалик бошқарув ҳуқуқи асосида турганлиги; иккинчидан, мулк (жиноят предмети) фақатгина нақд бўлмаган пул (компьютер ахбороти) кўринишида мавжуд бўлиши; учинчидан, ушбу нақд бўлмаган пул маълум

бир компьютер ахборот тизимида (ҳисоб рақам) турганлиги; тўртинчидан, айбдорда ушбу компьютер тизими маълумотларидан қонуний фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги; бешинчидан, агар айбдор корхона, ташкилот, муассасага тегишли бўлган мулкни ўзлаштирса ёки растрата қилса фақат талон-торож суммаси Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 61-моддасининг учинчи қисмида кўрсатилган миқдордан ошиқроқ бўлиши.

Хизмат вазифаси туфайли мулк юзасидан маълум бир ваколатларга (хўжалик ёки оператив бошқарув ҳуқуқига) эга бўлмаган, аммо топширилган ишни ёхуд хизмат вазифаларини бажариши туфайли мулк юзасидан маълум бир операцияларни амалга оширадиган компьютердан ёки компьютер ахборотидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан ўзганинг мулки ушбу компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиниши қандай квалификация қилиниши керак деган саволимизга ижтимоий сўровда иштирок этганларнинг 70% “компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш”, деб жавоб берди [11]. Лекин ушбу ҳолатда айбдорда талон-торож қилинган мулкка нисбатан ҳеч қандай ваколатларнинг (оператив ёки хўжалик бошқаруви асосида) мавжуд эмаслиги, унинг ҳаракатларини компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб топишга тўсқинлик қилади.

Ушбу ҳолатда фикримизча, айбдорнинг ҳаракатларини тегишли асослар мавжуд бўлган ҳолда, компьютер воситаларидан фойдаланиб ўғрилиқ қилиш деб квалификация қилиш лозим бўлади.

Мансабдор шахс ўз ваколати доирасида юридик шахсларга маълум бир вазифаларни юклаган ва уларнинг иш фаолиятларини назорат қилишга ҳуқуқи мавжуд ҳолда, мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, уларнинг ҳисоб рақамидаги пулларни ушбу юридик шахсларнинг ўз мажбуриятларини бажартириш мақсадида уларнинг розилигисиз компьютер воситалари орқали учинчи бир шахслар фойдасига ўтказиши ҳам компьютер воситаларидан фойдаланиб растрата қилиш деб баҳоланмайди. Ушбу ҳолатда тегишли асослар мавжуд бўлса, мансабдор шахснинг ҳаракатлари ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш ёхуд ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш жиноятининг таркибини ташкил қилади [12]. Сабаби ушбу ҳолатда мансабдор шахснинг ҳаракатларидан ғараз ёки бошқа паст ниятларнинг мавжуд эмаслиги унинг ҳаракатларини компьютер талон-торожи деб баҳоланишини инкор этади.

Мулк ишониб топширилган ёки хизмат вазифалари туфайли мулк юзасидан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга шахс ўзлаштириш ёки растратанинг объектив томонини ўзи бажариб, қолган ишларни (масалан: талон-торож қилинган пулни яшириш, жиноят изларини йўқотиш ва ҳ.к.) компьютер соҳасида махсус билим ва тажрибага эга бўлган бошқа бир (мулк ишониб топширилмаган ёки хизмат вазифалари туфайли ҳам мулк юзасидан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган) шахсга топширса, бунда айбдорларнинг ҳаракатлари иштирокчиликда содир қилинган компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолдаги ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб квалификация қилинади. Компьютер соҳасида маълум бир билим ва тажрибага эга шахснинг ҳаракатлари эса ушбу иштирокчиликдаги ёрдамчилик деб баҳоланади.

Аммо мулк ишониб топширилган ёки хизмат вазифалари туфайли мулк юзасидан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган шахс компьютер воситаларидан етарлича фойдаланиш тартибини билмаса ва ушбу

мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш мақсадида шу билим ва тажрибага эга бўлган бошқа бир (мулк ишониб топширилмаган ёки хизмат вазибалари туфайли ҳам мулк юзасидан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга бўлмаган) шахсдан фойдаланиб мулкни эгаллаб олса, айбдорларнинг жавобгарлик масаласи мунозаралидир.

Чунки, ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш субъекти билан боғлиқ квалификацияга оид мунозарали жиҳатлар ҳам мавжуд. Чунончи, бугунги кунда жиноят ҳуқуқи назариясида махсус субъектли жиноятларда иштирокчиларнинг жавобгарлиги турлича ҳал этилмоқда. Биринчиси, махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахс махсус субъект билан тил бириктириб, талон-торожни содир қилса, у ҳам бажарувчи бўлиб ҳисобланади ҳамда жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилган деб топилади [13]; иккинчиси, махсус субъектли жиноятларда махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахслар иштирок этган бўлса, жиноят қонунининг махсус субъект томонидан содир этилган жиноят квалификация қилинган моддаси бўйича жинойий жавобгарликка тортилади. Махсус субъект белгисига эга бўлмаган шахс мазкур иштирокчиликда содир этилган жиноятда ташкилотчи, далолатчи ёки ёрдамчи вазибаларини бажариши мумкин бўлади, [14] деб таъкидланади.

Биз ҳам ушбу ҳолат юзасидан билдирилган иккинчи гуруҳ олимларининг фикрларига қўшилган ҳолда, ушбу қондан ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ва растрата учун қўллаш ҳисобланади деган фикрни билдирмоқчимиз ва қилмиш иштирокчиликда содир этилган талон-торож деб баҳоланиши лозим.

Компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растратани бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб квалификация қилиш учун мулк қонуний ихтиёрида бўлган шахслар (махсус субъектлар) томонидан жиноятнинг объектив томони биргаликда содир этилган бўлиши талаб этилади. Агар ушбу махсус субъектлар биронтаси жиноятнинг объектив томонини бажаришда бевосита иштирок этмаса, ушбу шахснинг ҳаракатлари иштирокчиликда содир этилган ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб топилади.

Айбдор ўз мансаб ёки хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда пластик карточкаларга муассасанинг ёки бошқа шахсларнинг ҳисоб рақамларидан пул маблағларини ўтказиб, кейин ушбу маблағларни тасарруф этиши эса компьютер воситаларидан фойдаланиб ўзлаштириш ёки растрата қилиш деб баҳоланади. Ушбу ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари унинг хизмат ваколатларидан келиб чиққан ҳолда жиноятлар мажмуи тариқасида ЖК 167 моддаси 3 қисми “г” банди ва ЖК 2782 ва 2784 моддалари билан квалификация қилиниши мумкин эмас. Ушбу ҳолатга мисол тариқасида қуйидаги жиноят ишини келтиришимиз мумкин. Тошкент вилояти АТИБ “Ипотекабанк” Ангрен филиали пул муомаласи бўлими пластик карточкалар бўйича 1-тоифали мутахассиси бўлган С. ўз хизмат ваколатларидан фойдаланган ҳолда жуда кўп миқдордаги (401 млн. сўмдан ортиқ) пулни компьютер воситаларидан фойдаланган ҳолда ўзи томонидан ноқонуний равишда расмийлаштирилган жами 446 дона пластик карточкаларга “Жисмоний шахсларнинг пластик карточкалар бўйича мажбуриятлари” омонат ҳисоб рақамидан ўтказиб кейин ушбу пулларни талон-торож қилган. Ушбу иш бўйича суд айблов ҳулосасидаги квалификацияга қўшилган ҳолда қилмишни ЖКнинг

167-м. 3-қ. “а ва г” бандлари, 205 моддаси 2 қисм “а” банди, 209 моддаси 2 қисми “а” банди ҳамда ЖКнинг 2781, 2782 ва 2784-моддалари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилган [10].

Лекин ушбу ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари қўшимча равишда ЖКнинг 2781, 2782 ва 2784-моддалари бўйича квалификация қилиниши нотўғри. Чунки ушбу ҳолатда ЖК 167 моддаси 3 қисми “г” банди ЖКнинг 2781, 2782 ва 2784-моддаларида назарда тутилган ҳаракатларни жиноят содир этиш усули сифатида ўзига қамраб олади ва қўшимча равишда квалификация қилинишини талаб этмайди.

Компьютер хавфсизлик тизимини бузувчи дастурни бошқа бировдан олиб, жиноят содир этган ҳолда дастурни олган ва берган кишиларнинг жавобгарлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтсак. Башарти, шахс шундай дастурни ўзи яратса, унинг қилмиши фақатгина ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш деб баҳоланиб, қилмиш қўшимча равишда 2783-(компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш) ёки 2786-моддалари (зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш) билан жавобгарликка тортилмайди. Шунингдек, агарда шахс ўзгалар мулкани компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилиш учун компьютер тизимини қасдан бузса ва талон-торожни амалга оширса ҳам қилмишни ЖК 2785-моддаси (компьютер саботажи) билан қўшимча равишда квалификация қилиш лозим бўлмайди. Ёки компьютер воситаларидан фойдаланиб ўғрилиқ қилишда ҳам мол-мулк компьютер тизимидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда рухсатсиз фойдаланиш натижасида талон-торож қилинадик, бу ЖК 2782-моддасида (компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш) белгиланган жиноят таркибини ташкил қилади. Бироқ, ушбу вазиятда ҳам қилмишни қўшимча равишда ЖК 2782-моддаси билан квалификация қилиш зарурияти йўқ. Зеро, юқоридаги барча ҳолатларда ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар талон-торожни содир этиш усули бўлиб хизмат қилади. Бу эса, ушбу қилмишларни ЖК алоҳида моддаси билан қўшимча равишда квалификация қилишни истисно қилади.

Ушбу ҳолатга мисол, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида истиқомат қилувчи фуқаро Д. 2008 йилнинг январ ойида якка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, “пайнет” хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи Я. хусусий корхонасининг компьютер тизимига рухсатсиз кириб, унинг махфий паролдан фойдаланиб, 2008 йил декабрь ойидан 2009 йилнинг март ойига қадар жами 6.500.000 сўмлик миқдордаги мулкни яширин равишда талон-торож қилиб келган. Судланувчининг ҳаракатлари Бухоро вилояти Олот тумани суди томонидан ЎзР ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмининг “б” ва “в” бандлари билан тамом бўлган жиноят сифатида квалификация қилинган [15]. Таъкидлаш ўринлики, бу ўринда суд қилмишни тўғри квалификация қилган бўлиб, жиноятни ЖК 2782-моддаси (компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш) билан қўшимча квалификация қилмасдан ишни мазмунан тўғри ҳал қилган.

Дастурни бошқалардан олиб, талон-торож жинояти содир этилган тақдирда эса, дастурни берган киши, айбланувчининг жинойий ниятидан хабардор бўлса, ёрдамчи сифатида, беҳабар бўлса эса, аниқ иш ҳолатларидан келиб чиқиб,

ЖК 2783-моддаси (компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини қўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш) ёки ЖК 2786-моддаси (зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш) билан жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, фирибгарликда башарти айбдор алдовни бевосита ўзи амалга ошириб ундан кейин жабрланувчи унинг ҳисоб рақамига компьютер воситалари орқали нақд бўлмаган пул маблағини кўчирса, айбдорнинг ҳаракатлари компьютер воситаларидан фойдаланиб фирибгарлик қилиш жинояти таркибини ташкил қилмайди [16]. Чунки айбдорнинг ҳаракатларини компьютер фирибгарлиги деб топиш учун жиноятнинг зарурий белгиси бўлган алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилишни компьютер воситалари орқали амалга оширилиши талаб қилинади. Шундай экан, ушбу ҳолатда айбдорнинг ҳаракатлари оддий фирибгарлик деб квалификация қилиниши керак бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, компьютер фирибгарлигида бошқа компьютер талон-торожларидан фарқи равишда айбдор жиноят предметини қўлга киритишда шахсан иштирок этиши мумкин бўлиб, бунда алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилишнинг бевосита компьютер воситаларидан фойдаланиб амалга оширилганлиги қилмишни компьютер фирибгарлиги сифатида баҳолаш учун етарли бўлади (масалан, айбдор компьютер тизимида сақланаётган маълумотларни ўзгартириб қўйиши натижасида хизмат кўрсатиш ходимлари янглиш ҳолда маҳсулотни шахсан айбдорнинг қўлига топшириб кетишлари).

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб, талон-торож қилишнинг бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб топиш учун эса, бундай қилмиш бу соҳада етарли билимга ва малакага эга бўлган ақли расо жинойий жавобгарлик ёшига етган икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда содир этилган бўлиши лозимлиги назарда тутилади (масалан, икки ёки ундан ортиқ хакерларнинг биргаликда ҳаракат қилиб, банк хавфсизлик тизимини бузиб пул ўғирлашлари ва б.қ.).

Ўзгалар мулкни компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-торож қилишнинг бир кўриниши бўлган ўзлаштириш ёки растрата қилиш бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган деб топиш учун эса, бундай қилмиш юқорида таъкидлаб ўтганимиздек ушбу жиноят субъекти учун зарур бўлган иккита белгига (компьютер соҳасида маълум билим ва тажрибага эга бўлганлик ва мулкнинг унга ишониб топширилганлиги ёки хизмат вазифалари туфайли мулк юзасидан маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш ваколатига эга эканлиги), яъни махсус субъект белгисига эга бўлган икки ёки ундан ортиқ шахслар томонидан биргаликда олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлиши лозимлигини назарда тутди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекис Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 9–10-бандлари.тон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

2. Российское уголовное право. Особенная часть / Под ред. В.С. Комиссарова. – М.: Питер, 2008. – С. 19–33; Уголовное право России. Часть Особенная. Учебник / Под ред. Л.Л. Кругликова. – М.: Волтерс Клувер, 2005. – С. 9–13; Уголовное право. Особенная часть. Учебник / Под ред. Л.Д. Гахумана, С.В. Максимова. – М.: Эксмо, 2005. – С. 15–37.

3. Курс российского уголовного права. Особенная часть / Под ред. В.Н. Кудрявцева, А.В. Наумова. – М., 2002. – С. 21.
4. Батулин Ю.М. Проблемы компьютерного права. – М.: Юрид. лит., 1991. – С. 27.
5. Некоторые аспекты компьютерной преступности // Проблемы преступности в капиталистических странах. М.: ВИНТИ, 1990. – № 6. – С.12–13.
6. Селиванов Н.А. Проблемы борьбы с компьютерной преступностью // Законность. – №8. – 1993. – С. 36–40.
7. Милашев В.А. Проблемы тактики поиска, фиксации и изъятия следов при неправомерном доступе к компьютерной информации в сетях ЭВМ. Автореф. дисс. на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – Москва, 2004. – С. 3.
8. А.А. Ортиқов, А.Т. Исаходжаев, А.В. Шестаков, Хуфиёна иқтисодиёт: Ўқув қўлланмаси. / Масъул муҳаррир ю.ф.д., проф. У.Таджиханов. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2002. – Б. 148–149.
9. Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги 13-сонли “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қилишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 9–10-бандлари.
10. Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича суди архивидан №1-536/09-сонли жиноят иши, 2009 йил.
11. Ушбу сўров ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ўртасида ўтказилди ва сўровда юз нафар ходим иштирок этди.
12. Ижтимоий сўровда қатнашган респондентларнинг ҳам 60% тасдиқлаган. Қолган 40% иштирокчилар эса, ушбу ҳолатда мансабдор шахснинг ҳаракатларини талончилик (ЖК 165 моддаси) ва компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (ЖК 2782 моддаси) жиноятлари билан жиноятлар мажмуи тариқасида квалификация қилинади деб таъкидлаган.
13. Аветисян С. Проблемы соучастия в преступлении со специальным субъектом (специальным составом) // Уголовное право. – Москва, 2004. – №.1 – С. 4–6.; Волженкин Б.В. Некоторые проблемы соучастия в преступлениях, совершаемых специальными субъектами // Уголовное право. – Москва, 2000. – № 1. – С. 15.
14. Қ.Р. Абдурасулова, Жиноятнинг махсус субъекти. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 98–99.; Комиссаров В.С. // в кн.: Курс уголовного право. Общая часть. Т. 1/ Под. ред. Н.Ф. Кузнецовой, И.М. Тяжковой. – М.: Зерцало-М, 2002. – С. 399, 434.; У.Мирзаев, Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилганлик учун жавобгарлик муаммолари. Юрид. фан. ном. ... дисс. – Тошкент, 2009. – Б. 99.
15. Жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди архивидан, №1-416/09-сонли жиноят иши, 2009 йил.
16. Ижтимоий сўровда иштирок этган респондентларнинг 50% ушбу қилмиш “компьютер фирибгарлиги”, деб жавоб беришди.